

Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди | Сийрат дарслари (328-дарс)



19:00 / 16.05.2025 1592

677. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Қуръонни қироат қилинг. У Қиёмат куни ўз соҳибларига шафоатчи бўлиб келади. Икки нур сочувчини - Бақара ва Оли Имрон сурасини қироат қилинг. Иккови Қиёмат куни худди икки булутга ёки икки соябонга ёки икки қуш галасига ўхшаб келади. Иккови ўз соҳиблари ҳақида тортишишади. Бақара сурасини қироат қилинглр. Албатта, уни олмоқлик (кўтариб олиш) баракадир, уни тарк қилиш ҳасратдир. Баттоллар унга қодир бўлмайдилар».**

Муслим ривоят қилган.

678. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уйларингизни қабрга айланторманглар. Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

679. Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким кечқурун Бақара сурасининг охиридаги икки оятни ўқиса, кифоя қилади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

680. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дедим. **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳу лаа илааҳа иллаа ҳуу ал-Ҳаййул Қаййум», дедим. Шунда у зот кўксимга уриб: **«Аллоҳга қасам, сенга илм муборак бўлсин, эй Абу Мунзир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

681. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Каҳф сурасининг аввалидан ўн оятини ёдласа, дажжолдан сақланади»**, дедилар».

Бошқа ривоятда: **«Каҳфнинг охиридан»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

682. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг китобида бир сура бор. Унинг оятлари ўттизта. У ўз соҳибига то уни мағфират қилингунча шафоат қилади. «Таборакаллази биядиҳил мулку»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.